



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 74 (9820).

1990 йил 17 апрель

сешанба

Баҳоси 3 тийин.

КЕЛАЖАГИМИЗ — МАКТАБДА!

СССР ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ДЕПУТАТЛАРИ, ЖАМОАТЧИ-
ЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ, МИНИСТРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, ҚОРХОНАЛАР ВА КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҚБАРЛА-
РИ, МЕХНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИ, ФАН, АДАБИЁТ ВА САНААТ АРБОБЛАРИ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ,
ОТА-ОНАЛАР ЖАМОАТЧИЛИГИ, КҮП МИЛЛАТЛИ ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ БАРЧА МЕХ-
НАТКАШЛАРГА

МУРОЖААТНОМА

21 апрель —

шанбалик куни

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗАЙЛИК

ВИЛОЯТ касба уюшма-
лари кенгаши ҳузуридаги
коммунистик шабоҳлика
тайёргарлик ва уни ўтказиш
бўйича штабнинг навбатдаги
мажлиси бўлиб ўтди. Унда
қатор вилот касба уюш-
малари кўмиталари раисла-
рининг ва Тошкент тўқима-
чилик машинасозлиги заво-
ди касба уюшмаси кўмита-
сининг Коммунистик шабо-
ҳлики ўтказишга тайёргар-
лиги ҳақидаги ҳисоботлари
тингланди ва муҳокама қи-
линди.

Меҳнат коллективлари
умумхалқ ҳашари кўни иш-
лаб топиладиган маблагни ўз
ишчи-хизматчиларининг ик-
тимой турмуш шартло-
ларини яхшилашга, савоб иш-
ларига — кам таъминланган
оилаларга ёрдам кўрсатиш,
соғломлаштириш комплекс-
лари базалари, дам олиш
минтақалари, пионер лагер-
ларининг моддий базасини
ривожлантириш, Қорақалпо-
ғистон вилот касба уюш-
малари кенгашининг илти-
мосига мувофиқ Оролин саё-
лаб қилишга ёрдам бериш
фонидаги ўтказишга аҳд қи-
лганликларини маъқуллади.

Қорхоналар, ташкилот-
лар, муассасалар, жамоа ҳў-
жаликлари касба уюшмалари
кўмиталари зиммасига
шавбақлини ҳар томонлама
пухта ва самарали ўтказиш
учун зарур барча чора-тад-
бирларни кўриш, айниқса,
ишчи-хизматчиларнинг бу
хайрли ишда фаол қатна-
шишини таъминлаш, ўша
куни уларга транспорт, сав-
до, умумий овқатланиш хиз-
матларини намунали йўлга
қўйиш, маданият ўқоқлари
хотимлари иштирокида кон-
цертларни уюштириш вази-
фаси юклатилди.

В. ШАБАНОВ.

ҲАЙДОВЧИЛАР ҲИММАТИ

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ пой-
тахтидаги 2515-автомобил
коллективни ҳўжалик ҳисо-
ба ишлаб чиқариш усулига
қўйиб, 1990 йилининг бир-
инчи чораги ишлаб чиқар-
иш режаларини ошириш
адо этди. Қўшимча ўн минг
сўмликдан кўпроқ транспорт
хизмати кўрсатилди. Илгор
коллектив В. И. Ленин ту-
тилган кўннинг 120 йилини
шарафига коммунистик жан-
баллик ўтказиш юзасидан бел-
гиланган ташаббусга қўши-
лишга қарор қилди.

Шанбалик кўни 310 та юк
машинаси ҳайдовчилари ҳиз-
матига бўлади. Улар 7,5
миң тонна юкни белгилан-
ган манзилларга етказиб бе-
ришди. 10 та юк машина-
си Киров район ҳўудини
ободлаштириш, санитар-
ия-гигиена ҳолатини яхши-
лаш ишларида қатнашди. 60
киши автономия ҳўалисини,
теварак-атрофни тартиб-
га келтириш, тозалаш билан
банд бўлди. Ўғилб тузату-
вчилар машиналарни жорий
тиклаш ишларини бажара-
дилар. Шу кўни тушган пў-
лишчи-хизматчиларнинг ик-
тимой ахтўекларини қонди-
риш учун ҳамда раҳм-шаф-
қат фонди ҳисобига ўткази-
ладди.

Умумхалқ ҳашари кўни
барча автомобиллар тежа-
лан ёниги ҳисобига ишлай-
ди. Т. Икромов, Р. Акбаров,
Б. Нўматов, М. Тоқмуродов,
В. Михайлов, А. Ино-
гомов каби машғал ҳайдов-
чилар шанолида оддий иш
кўнларидаги нисбатан ан-
ча юқори меҳнат умдорли-
гига эришишга аҳд қилди-
лар.

С. СУЛТОНОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг
штатсиз мухбири.

КҮН ТАРТИБИДА — ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ

14 апрель кўни Кремда
СССР Президенти М. С.
Горбачев раислигида СССР
Федерация кенгаши билан
президентлик кенгашининг
қўшма мажлиси бўлди.
СССР Министрлар Совети
Раисининг биринчи ўринбо-
сари, СССР давлат план ко-
митетининг раиси Ю. Д. Мас-
люковнинг «СССРда тартиб-
га солиб туриладиган бозор
иқтисодиётига ўтиш тўғри-
сида»ги маърузаси тинглан-
ди. Маъруза юзасидан фикр
алмашув бўлди. Ч. Т. Айт-
матов, В. И. Воронников,

А. Э. Каульс, Н. А. Назарбо-
ев, Ю. А. Осипьян, Е. М.
Примаков, В. Г. Распутин,
Г. И. Ревенко, Э. А. Ше-
вардина, В. С. Шевченко,
А. Н. Яковлев, В. А. Яриш,
шунингдек мажлисга таклиф
этилган иқтисодий олимлар
А. Г. Аганбегян, Г. А. Арба-
тов, О. Т. Богомолов, В. А.
Мартинков, Ю. В. Яременко
сўзга чиқдилар.
Фикр-мулоҳазалар ва ну-
таи назарлар ниҳоятда хил-
ма-хил бўлгани ҳўлида, бар-
ча нотдиқлар турмуш иқти-
содий ислохотни жадаллаш-

тириш, иқтисодиётга раҳ-
барликнинг янги усуллари
ҳамда ҳўжалик юртишининг
янги шакллари янги ишчи
ва уларни фаол жорий этиш
зарурлигини тақозо этаёт-
ганлиги тўғрисидаги фикрга
қўшилдилар. Ушбу соҳада
тадбирларни амалга ошириш
ни янги усулларни мўкин
эмаслиги таъкидланди.
Муҳокамаи келаси ҳаф-
тада давом эттиришга қарор
қилинди.
(ТАСС).

моқлари, узлуксиз таълим-
нинг илгор усуллари
яратиш борасида куч-гай-
рат билан ишлашлари, Ўз-
бекистондаги таърибали ва
илгор ўқитувчилар, тарбия-
чиларнинг яратган янги-
янги изланишларини, қў-
лаб-қувватлашлари зарур.

Халқ олдига халқ таъ-
лими идораларининг ҳисо-
бот бериш жараёнида халқ
таълими бўйича маҳаллий,
жумҳурийат анкуманлари-
да, ота-оналар кенгашлари-
да бунга доир барча муҳим
ишларни амалга ошириш
керак.

Биз ота-оналар жамо-
атчилигига мурожаат қи-
ламыз.
Буюк алломиз Навоий
болани «Меҳри Анавар» —
хонадонни чарогон қилувчи
ва оилага қувонч, бахт олиб
кедўчи машғала деб таъ-
рифлаган эди. Шўни ёлда
тутишги, шизларнинг фар-
зандларингиз, невараларин-
гиз жумҳурийатнинг кела-
жадаги истиқболдир. Им-
коният ва қобилиятингизга
қараб мактабга қўмаклашиш;
мактаб кенгашлари, халқ
таълими бўйича кенгашлар
орқали мактаб ҳаётини таш-
кил этишда, болаларнинг тў-
лақонли, баркамол ўсши
учун шарт-шароитлар яра-
тишда, ўқитувчилар ҳўрма-
ти билан муносабатда бў-
лишини шакллантиришда
фаол иштирок этиш. Аваз
ўтар ўғлининг қўйидаги сў-
ларини эслаш.

Очинлар шиллатиш вайронни
обод этгўн мактаб.
Ўқисин ёшларингиз, қўнглин-
ишод ээгўсиз мактаб.
Дилу жон бирла эл мактаб
очарга индиҳод этсуи
Нединки, бизин гам-
қайғудин овоз этсуи
мактаб.

Биз ўқувчиларга, пио-
нер ва комсомолларга
мурожаат қиламыз.
Бугунги кўнда жамият,
жумҳурийатимиз ҳар ҳўчо-
нидан кўра сизнинг били-
мингиз, қобилиятингиз, ис-
теъдодингизга катта ахтўек
сезмоқда. Сизни ўқувчил-
дек бахтли қайғити, табии-
ти, жамиятнинг атрофингизда-
ги кишиларни ва ўз-ўзингиз-
ни билиб олишга интилиш
иштиёқи асло тарз этмасин.
Аждодларимиз яратган ма-
даният, она тили, барча мав-
жуд ахлоқий бойликлари
ағдаллаб олиш.

Чўқур билим — миллий
қадр-қиммат, жумҳурийат
ва мамлакатнинг гуллаб яша-
ши сари ёрқин йўғига олиб
чиқади.
«Билимдан маҳрум бўлган
халқ ўлимга маҳкумдир, чў-
ни ҳар бир халқда мактаб
ҳамиша ҳўрма-ахтиром қи-
линади!» — деб ёзган эди
Ҳамза Ҳакимзода.

Биз жумҳурийатнинг
барча аҳолисига мурожа-
ат қиламыз.
Бизнинг келажигимиз, Ўз-
бекистоннинг эртанги кўни
мактабда. Мактабни бахтли
қилсам — эртанги кўнимиз
ҳам бахтли, саодатли бўла-
ди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКА-
ЗИЯ КОМИТЕТИ

МАВСУМ ОЛДИДАН

ПИЛЛА ҚУРТИ БОҚИШГА
ТАЙЕРМИСИЗ?

ЧИНОЗ хоҳиясида пилла
етиштириш мавсумини тайё-
ргарлик кўриш (ошланди). Ҳў-
жаликлар бу йилги ҳўсил
ҳисобидан қўрт боқувчилар-
га чашпа (аванс) пуллари-
ни тарғатшавпти. Илак
қўртларини очтириш учун
Йнгирматга инкубатория тай-
ёрланиб қўйилган, талаба
қараб колхоз-совхозларга
мавсумда лозим бўладиган
жиҳозлар бериляпти.

Шубҳасиз, пилла ҳўсил-
нинг чўғи тўт дархатлар-
нинг сони билан боғлиқ. Но-
ҳида бу ишга ўтган йилги
мавсумдан сўғи йил кўпроқ
этибдор билан киришляди
ва ҳўзиргача 356 миң туп
тўт қўчати ўтказилди.

Бош пиллахова ҳам хом
ашини қабул қилишга шай-
лаб қўйилган. Пилла қур-
тиш заводи тўғли таъмир-
лянди, лаборатория зарур
жиҳозлар билан таъминлан-
ган.

Пиллахова директори И.
Избосаров яна қўшимча қи-
либ, қабул пунктга атрофига
50 туп мевали дархат ва
миңг туп терак қаламчалари
ўтказилганини айтди.

Т. ЎЗГАНОВ.

КИТОБЧА БОСИЛИБ ЧИКДИ

Сиёсий адабиёт нашриёти
«КПСС Марказий Комитети
Пленумининг материаллари,
1990 йил 11, 14, 16 март»
китобчасини босмадан чи-
қарди. Китобчадан КПСС
Марказий Комитети Бош
секретари М. С. Горбачев-
нинг доклады ва яқунлоқ
нутқи, музокараларда ишти-
рок этганларнинг нутқлари,
КПССдан Президент лавози-
мига номзод кўрсатиш тўғ-
рисидаги, КПССдан СССР
халқ депутатлигига сайлов
тўғрисидаги материаллар,
КПСС Устави лойиҳаси, му-
ҳўнама қилинган масалалар
юзасидан қабул қилинган қар-
орлар ва бошқа материал-
лар жой олган.

Китобни сиёсий адабиёт
нашриёти нашрга тайёрлади
ва «Красный пролетарий»
босмаҳўнасида чўқ эъланди.
(ТАСС).

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Сове-
ти дам олиш кўннинг 29
апрель яншандан 30 апрель
дўшанбага ўтказди. 1990
йил 28 апрель шанба кўни-
ни эса бошқа вақтда дам
олиш кўни бериш ёни шу
кўни кўнлагани учун амал-
даги қўнута билиш ҳақ тў-
лаш шарт билан иш кўни,
деб ҳисоблаш тўғрисида қар-
ор қабул қилди. Ходим-
нинг хоҳишига биноан бу
кўни тегилли ҳақ тўлаш
шарт билан йиллик олтус-
кага қўшишга ҳам рухсат
берилди.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Халқ депутатлари Тош-
кент вилот советининг нав-
батдан ташқари иккинчи сес-
сияси 1990 йил 19 апрель
кўни соат 11.00 да вилот
партия комитетининг маж-
лислар хонасида (Ўзбеки-
стон катта кўчаси, 9-ўй) оч-
илди.
Депутатлар эрталаб соат
9.00 дан рўйхатга олинали-
лар.
Партия группасининг маж-
лиси шу ернинг ўзида соат
10.00 да бўлади.

«Тошкент ҳақиқати» газетхонларига

ХОТИРА КИТОБИНИ ЯРАТАЙЛИК

Қадрли дўстлар — «Тошкент ҳақиқа-
ти» газетхонлари!

Яна бир неча ойдан кейин — аниқро-
ғи 1991 йил бошида «Тошкент ҳақиқа-
ти» ўзига хос муҳим тарихий санага
етиб келадиган газетанинг 10 мингичи со-
ни чиқади.

Бу орада газетамиз олтинчи икки йил-
лик тарихий йўлни босиб ўтди. Унинг
ўтмишида «Шарқ ҳақиқати»нинг бир-
инчи сони 1928 йил 11 декабрда муш-
тарийлар қўлига теккан эди. У 1930
йил сентябрдаги мустақил чиқиб турди.
Сўнг округлар тугатилиши, «Қизил Ўз-
бекистон» газетаси вақтинча жумҳурийат
пойтахти бўлган Самарқанддан яна Тош-
кентга келиб чиқа бошлаши муносабати
билан «Шарқ ҳақиқати» бу газетга қў-
шилди кетган эди. Унинг ходимлари ҳам
«Қизил Ўзбекистон»га ўтиб фаолият
кўрсата бошладилар. «Қизил Ўзбеки-
стон» 1938 йил 26 июлдан то 1954 йил-
нинг 7 февралгача Тошкент вилот
партия комитетининг ҳам органи вази-
фасини ўтаган.

Газетамиз 1954 йил 9 февралдан
«Тошкент ҳақиқати» номини олиб, қай-
та нашр этила бошладди. Янгидан таш-
кил топган ижодий коллективга «Қи-
зил Ўзбекистон» газетаси ўз қадрла-
ридан бир неча нафарини узатган эди.
«Тошкент ҳақиқати» бутун фаолияти

давомида пойтахт вилоти ҳаётининг
кўзгуси бўлиб келди. У коллективлаш-
тириш, маданий инқилобни амалга оши-
риш, халқ ҳўжалигини тиклаш, янги со-
циалистик шаҳарлар бунёд этиш, қў-
ларини ўзлаштириш, зилзиладан зарар
кўрган янги Тошкентни барпо этиш да-
вомида вилот партия ташкилотининг
яқин ва жанговар ёрдамчиси бўлди. Ҳў-
зир эса жамият ҳаётининг ҳамма
соҳаларини қайта қўриш сиёсатини амал-
га ошириш учун курашляпти. Ана шу
тарихий даврларда газетанинг одатдан
ташқари махсус сонлари, мусобақадом
вилотлар билан биргаликда қўшма сон-
лари, алоҳида-алоҳида санаот ҳақда
қўнлоқ ҳўжалиги саҳифалари, «Чорва-
дор» газетаси, «Иқтисодий билимлар
университети», «Солид саҳифаси» сингари
хилма-хил саҳифаларидан тортиб,
яқиндан чиқа бошлаган кичик ҳажмли
шанба сонлари тайёрланди. Шунингдек,
газетада ўқувчилар доимо қўнқиб би-
лан кутган «Қизил наъза», «Ўз тў-
моқ», «Ҳақмоқ», «Далилбек» каби са-
тирик рубрикалар чиқиб турди. Уларни
тайёрлашда қўнғиза истеъдодли ижод-
корлар бевосита иштирок этдилар. Газе-
тамизда дастлаб Гафур Ғўлом, Шайх-
зодалар бошлаб берган ижодий ишларин
Адҳам Раҳмат, Санжар Тилла, Восит
Халилов, Неъмат Топшўлат, Султон Ак-
барий, Назармат, Мавлон Икром, Ўсмон

Жонитов, шунингдек, ҳўзир адабиёт-
инининг етакчи бадииялари Ўткир Ҳо-
шимов, Худойберди Тўхтабоев ва бош-
қалар давом эттирганлар.

Газета 1978 йил 6 декабрда меҳнат-
кашларни коммунистик руҳда тарбия-
лаш, уларни ҳўжалик ва маданий қў-
лиш вазидаларини бажаришга сафарбар
қилиш соҳасидаги самарали иш учун
Меҳнат Қизил Вайроқ ордени билан
мукофотланган эди.
Утган йиллар давомида редакцияда
журналистларнинг бир неча авлоди иш-
ляди. Биз ҳўзирги редакция ходимлари
ўғилдан йўлга назар ташлаб, афсус би-
лан таъкидлаймикин, газетанинг қўн-
даги кишилар билан ўрлашиб, унинг иб-
ратли тарихига онд фактлар ва ҳўжжат-
ларни муҳкамлаб йиғиб, авайлаб сақлаш-
га муваффақ бўлмаганимиз. Ҳаётдан бе-
вақт кўз юмган ижодкор устозларимиз,
ҳажмасларимиз ҳақида ҳам тўла маълу-
мотта эга эмасмиз. Ваҳоланки, уларнинг
ижодий йўли, бой таърибаси, ишга
содикати, фидойилиги қаламкашлар
нинг ҳўзирги авлоди учун яхши ибрат
бўла олади. Шунинг учун ҳам биз газе-
танинг Хотира китоби ва газетанинг та-
рихий музейини ташкил қилиш ниятида-
миз. Бундан мақсад — рўзноманинг
биринчи сонидан то ҳўзирги кўнгача
кимлар меҳнат қилиб, газетамиз тарихи-

га ўзининг қандай ҳиссасини қўнганли-
гини кўрсатиб беришдир.
«Тошкент ҳақиқати» газета редак-
циясининг барча ўқувчиларига, бир
вақтлар унинг ходими ёки муаллифи
бўлган кишиларга мурожаат қилиб, бизга
газетамиз тарихи билан боғлиқ мате-
риалларни, эсдаликлар, хотираларни қў-
лашда ёрдам беришларини илтимос қи-
ляди. Эҳтимом, кимлардир газе-
танинг дастлабки нодир нусхалари, махсус
сонлари сақляниб қолганлар, эҳтимом,
табарруқ кексаларимиз орасида газе-
тамизнинг дастлабки муҳаррирлари, хо-
димлари, доимий муаллифлари билан
мулоқотда бўлган одамлар бордир. Улар
газета билан боғлиқ ҳаётли халқларини
хикоя қилиб беришлари мўкин. Биз
ветеран журналистларга, газетамизнинг
тарихи билан алоқадор ҳамма кишиларга
мурожаат қилиб, улардан қўларидан
бўлган ҳўжжатлар, ёлномалар билан
таърихширишларини сўраймиш. «Тошкент
ҳақиқати»да ишлаган муҳаррирлар ҳақида
сақланган ҳамма ҳўжжатлар Хотира ки-
тоби учун қўмалдилади. Биз лозим бўл-
са газета саҳифаларида ана шу тарихий
эсдаликлар, суратлар билан ўқувчилар-
ни ҳам таништириб борамиз.

Сизларнинг хатларингизни, эсдалик-
ларингизни кутамиз, азиз ўртоқлар!
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТА
РЕДАКЦИЯСИ ТАХРИР ҲАЙЪА-
ТИ.

Н. ЮСУПОВ

